

ХАН МИЛЛАТИНИНГ ҚАДИМГИ ВЕНЪЯН ТИЛИДАН
АВЛОДДАН АВЛОДГА МЕРОС БЎЛИБ КЕЛАЁТГАН
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ



10.24412/2181-1784-2021-1-11-20

Таир Акимов

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Хитой тили филологияси
кафедраси катта ўқитувчиси

Abstract: *Wenyan language phraseologies, which have been used in the palace of the Chinese officials for a long time, are considered to be a cultural part of the Chinese nation, inherited from generation to generation. It reflects the traditions, feelings, myths, culture, and mentality of the nation, which still serves in Chinese literature.*

Keywords: *Wenyan, idioms, culture, national tradition, understanding, origin, mastery, fluency, communication, mutual, history.*

Хан миллатининг қарийб 5000 йил илгари пайдо бўлган қадимги венъян ёзуви нормалари асосида ёзиб қолдирилган катта маданий, маърифий, тарихий қўлёзма ва босма адабиёт намуналарини илмий тадқиқот йўли билан изчил ўрганилмоқда. Хитойнинг кўзга кўринган, етук олимлари, жумладан, Фудан университети, қадимги тиллар ва ёзувлар ўрганиш маркази раҳбари профессори 刘殿爵 Лю Дианжуе ва Жилин университети қадимги манбалар билан ишлаш кафедраси мудири профессор 程彪 Чэнг Биаолар венъян тилида битилган илмий ишларга раҳбарлик қилмоқдалар.

Хитой тилининг қадимги кўриниши бўлган венъян тили тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, фан ютуқлари, давлатлараро муносабатлардаги ёзишмалар ўша даврларда мазкур тилда олиб борилган. Ўтмиш мероси сифатида кутубхоналарда сақланиб келаётган бу тилдаги адабиётлар ўз замирида хитой халқининг асрлар давомида тўплаган жуда катта маданий-маърифий билимларини асраб турибди. Қадимда бой зодагонлар, ўқимишли кишилар қўлланиб келган венъян тилидаги тарихий қўлёзма ҳужжатлар, шеърлар, фразеологизмларнинг келиб чиқиш ҳақидаги ҳикоялар, мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзларнинг маъносини ҳозирги кунда ўқиб тушуниш қийин бўлиб қолган масаладир. Венъян тилида битилган

матнларни йирик хитойшунослар, тарихчилар маъно-мазмунини батафсил ўгириб бергандагина нима тўғрисида ёзилганлигини тушуниш мумкин.

文言 wényán тили амалдорлар саройларида қўлланилган бўлиб, 文 wén нинг маъноси “маданият”, 言 yán нинг маъноси “тил” яъни маданият тили ёки маданиятликлар гаплашадиган тил демакдир. Мазкур тилдан 1918- йилларгача қўлланилиб келинган, бу тилни оддий авом халқ тушуна олмаган. 1918-йилдан кейин халқ кундалик ҳаётида сўзлашадиган 白话 тилига ўтишган, лекин хитой тили лаҳжалари кўп бўлганлиги учун бир-бирларини тушуниш ҳам қийин бўлган, ҳатто бир-бирини тушуниш учун таржимонлар орқали гаплашишга мажбур бўлишган. Хитойликлар ҳар хил лаҳжаларда гаплашганликлари учун адабий тил бўлмиш «普通话 pǔ tōng huà» қабул қилган эди. бу ҳақда Ф.М. Ҳасанова «Хитой тили иероглификаси» ўқув қўлланмасида «1958-йили «Хитой иероглифларни ислохот қилиш кўмитаси» томонидан шимолий шеванинг намунаси бўлмиш Пекин талаффузи «普通话 pǔ tōng huà» қабул қилинган лигини зикр этган¹.

Хитой давлати путўнгхуани адабий тил деб эълон қилгандан сўнг боғча, мактаб, олий ўқув юртларида адабий тилни қўлланишга бошлаган, ҳозирги кунда ҳамма хитойликлар деярли путўнгхуада сўзлаша олади, бу эса хитойликларнинг бир-бири билан бемалол мулоқот қилиши учун жуда катта мувафақиятга эриштиради. Аммо ҳозир кунда ҳам ёши катта кишилар адабий тилда гаплаша олмайди.

Венъянь тили ўзининг махсус ўлчовларига эга бўлиб, бу ўлчовлар хитой халқининг анъанавий миллий тафаккурини акс эттирувчи тугамас манба эканлиги хитойшунос олимлар тарафидан эътироф этилади.

Синология олдидаги муҳим вазифалардан бири тилшунослик соҳасига оид венъянь тил ўлчовлари асосида яратилган улкан мерос ичидаги бебаҳо лингвистик дурдоналарни бугунги хитой тилининг ривожидаги аҳамиятини очиб беришдир. Хитой тилидаги фразеологизмлар мавзусига илмий-тадқиқот мақсадида ёндашилган экан, муболағасиз ҳозирги тилда ишлатилиб келаётган афоризмлар, мақоллар, маталлар, фразеологизмларнинг илдизи қадимги венъянь тилида қолдирилган намуналардан келиб чиқади, дейилса хато бўлмайди.

Тарихий пиллапоялардан ошиб келар экан инсоният тиллари, жумладан хитой тили ҳам жузъий ўзгаришларга учраганлиги табиий ҳолдир. Ижтимоий

¹ Ҳасанова Ф.М. Хитой тили иероглификаси. Ўқув қўлланмаси. –Тошкент, 2020. – Б.40.

тузумлар, давлатчилик шакллари такомиллашуви бевосита тил ўлчовларининг ҳам ўзгаришини тақозо этувчи омиллар бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган бадий адабиётларни тушуниш мураккаблашиб, қийинлашиб боради. Олдинги аждодлар учун тушунарли бўлган фикрлар кейинги авлодлар учун мавҳум фикрларга айланиб боради. Тилга оид материалларни ўрганилар экан, ушбу мақолада хитой тилининг сермунозара мавзуларидан бири бўлмиш фразеологизмларга эътибор қаратилмоқда. Хитой тили фразеологизмларида қадимги тил бўлмиш венъян тилдаги тил нормалари ва ўзига хос тил хусусиятлари то ҳозиргача сақланиб келинмоқда. Хан миллатининг урф-одатлари, маданияти, ирим-сиримлари, ҳис туйғулари хитой тили фразеологизмларда акс этгандир.

Тилшунос олим 马国凡 Ма Гуофан таъбирича, “成语保留了许多古代汉语的特征。古代汉语的这些特征，在现代汉语中有的消失了，有的失去了普遍性；在成语中它们却被继承下来。和现代汉语相比，成语中“文言”特征格外明显”²。

Таржимаси: “Фразеологизмларда қадимги хитой тили хусусиятлари сақланиб қолган. Қадимги хитой тилининг бу хусусиятлари, ҳозирги замон хитой тилида эса баъзибир хусусиятлари сақланиб қолмаган, баъзилари эса умуман йўқолиб кетган; фразеологизмлар ўша хусусиятларга ворислик қилиб келмоқда. Ҳозирги замон хитой тилига қараганда, фразеологизмларда “文言 wén yán” тил хусусиятлари жуда равшан акс эттирилгандир”.

Мазкур мақолада венъян тил ўлчовлари асосида тузилган, тўрт бўғинли сўзлардан иборат бўлган бир неча фразеологизмларни семантикасини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Венъян тилида қўлланилган фразеологизмлар путўнгхуа тилида бошқача иероглифлар билан ифодаланса-да, қўлланиладиган ўринлари ва маъноларига тўлиқ мос келиши сақлаб қолинган. Мисол: 信口开河 xìn kǒu kāi hé ва 信口开合 xìn kǒu kāi hé фразеологизмларининг маъноси «оғзига келганини гапирмоқ».

合 hé – «бирлашмоқ» билан 河 hé – «дарё» оҳангдош сўз бўлиб, сўзларнинг маъноси ҳар хил. Лекин бу икки фразеологизмнинг маъноси бир хилдир.

骨瘦如柴 gǔ shòu rú chái – озиб чўп бўлиб қолмоқ «курук суяк бўлиб қолмоқ» фразеологизмини олдинги даврда 骨瘦如豺 gǔ shòu rú chái – «чиябўридек озиб кетмоқ» деб қўлланилган. Бу фразеологизмда 豺 chái –

²成语 概论 马国凡 内蒙古人民出版社 呼和浩特 1973年 第30页

«чиябўри» билан 柴 chái – «ўтин» иероглифлари ўхшаш оҳангда бўлса ҳам маънолари ҳар хил. Ушбу сўзларнинг маънолари ҳар хил бўлса ҳам, фразеологизмнинг маъносида деярли катта ўзгариш йўқ. Турли иероглифлар орқали ёзувда акс эттирилган муайян бир фразеологизм асл туб мазмунни берувчи, шаклан бир-биридан фарқли жумлаларга ўхшаб қолган, аслида маъно ўшалигича қолган. Фразеологизмлардаги иероглифлар алмаштирилиб, аста-секин халқ ичига сингиб турғунлашган.

目中无人 mù zhōng wú rén– «ҳеч кимни кўзга илмаслик; катта кетмоқ»;

目空四海 mù kōng sì hǎi– «ҳеч кимни кўзга илмаслик; такаббурлик қилмоқ; ман манлик қилмоқ»;

目中无人 mù zhōng wú rén– сўзма-сўз таржимаси: кўзига одамлар кўринмайди «ҳеч кимни кўзга илмаслик» фразеологизмини олдинги даврда 目空四海 mù kōng sì hǎi– сўзма-сўз таржимаси: кўзи очиқ тўртта денгизни кўрмайди «ҳеч кимни кўзга илмаслик» деб қўлланилган. Ҳозирги кунда иккала фразеологизм халқ ичида қўлланилиб келинмоқда.

眉飞眼笑 méi fēi yǎn xiào – сўзма-сўз таржимаси: қоши учиб, кўзи кулди «оғзи қулоғига етмоқ» фразеологизмини олдинги даврда 眉花眼笑 méi huā yǎn xiào – сўзма-сўз таржимаси: қошида гул, кўзлари кулди «оғзи қулоғига етмоқ». Бу икки фразеологизмнинг сўзма-сўз таржимасидан гап нима ҳақда эканлигини билиш қийин эмас.

另眼相看 lìng yǎn xiāng kàn – сўзма-сўз таржимаси: бошқача кўз билан расмга қарамоқ «бошқача қарамоқ; эътибор билан қарамоқ» фразеологизмни олдинги даврда 刮目相待 guā mù xiāng dài – сўзма-сўз таржимаси: кўзини учириб, расмга қарамоқ «янгича кўз билан қарамоқ; бошқача кўз билан қарамоқ» деб берган.

Фразеологизмларнинг биринчи қисмидаги икки иероглиф ҳар хил маъноларни билдирсада, фразеологизмда ифодаланган маъно бир хилдир. 另眼 lìng yǎn бошқа кўз, 刮目 guā mù кўзни учирмоқ.

驴唇不对马嘴 lǘchún bú duì mǎzǔi– сўзма-сўз таржимаси: эшакнинг лаби, отнинг оғзига тўғри келмабди «мен боғдан келсам, сен тоғдан келсан; Али десам, Вали дейсан» фразеологизми кейинчалик 牛头不对马嘴 niútóu bú duì mǎzǔi– сўзма-сўз таржимаси: сигирнинг боши отнинг оғзига тўғри келмабди фразеологизмини ҳам халқ қўллай бошлаган. Бу икки фразеологизм матбуотларда ва сўзлашув тилида кенг истифода қилиниб келинмоқда.

问心无愧 wèn xīn wú kuì– сўзма-сўз таржимаси: юракдан сўраса шайтон йўқ деди «соф виждон; виждон кўтармоқ; хижолат бўлмаслик».

问心有愧 wèn xīn yǒu kuì– юракдан сўраса, шайтон бор деди «виждон азобланмоқ; хижолат бўлмоқ». Бу икки фразеологизм венъян тилига боғлиқ бўлиб, олдинлари хитойликлар динга ишонганлиги учун фразеологизмда ҳам акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Венъянда 木头木脑 mù tou mù nǎo – сўзма-сўз таржимаси: боши ёғоч, мияси ёғоч деб берилган фразеологизм кейинчалик 呆头呆脑 dāi tóu dāi nǎo – сўзма-сўз таржимаси: боши ахмоқ, мияси ахмоқ «ахмоқ; хом калла» шаклда ҳам қўлланиладиган бўлган.

Венъянда 揠苗助长 yuàn miáo zhù zhǎng – майсаларни тортиб-тортиб ўсишига ёрдам бермоқ «қош кўяман деб, кўз чиқармоқ» фразеологизмидаги 揠 yuàn – «тортмоқ» вақт ўтиши билан 拔 bá – «тортмоқ» маънодош сўзга ўзгарган. Ҳозирги кунда 拔苗助长 bá miáo zhù zhǎng деб ишлатилади.

三头两面 sān tóu liǎng miàn– сўзма-сўз таржимаси: боши уч, юзи икки ёки 两面三刀 liǎng miàn sān dāo– сўзма-сўз таржимаси: юзи иккита, пичоғи учта. «Икки юзламачилик қилмоқ; беномус; уятсиз» деган маъноларни англатади.

Хитой тилининг изоҳли луғати нашрдан чиққандан кейин венъяннинг ҳозирги замон тилидаги мавқеи масаласи мунозаралигича қолмоқда. Венъян тилидаги баъзи сўзлар ҳозирги хитой тилида қўлланилмайди. Кўпгина 成语 chéngyǔларда лексик эски маънолар, талаффузи ва лексик элементлар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирги замон хитой тилидаги маъноларига тўғри келмайди, шунинг учун уни таҳлил қилаётганда хитойларнинг ўзлари анча-мунча хатоликка йўл қўяди.

Баъзи бир 成语 chéngyǔларда эски грамматик шакл сақланиб келмоқда. Масалан: 他的 tā de – «унинг» ўрнига 其 qí қўлланилган. 貌如其心 mào rú qí xīn– «бағри кенг»; 心知其意 xīn zhī qí yì – «унинг мақсадини тушунмоқ»; 忘其所以 wàng qí suǒ yǐ – «ўзини йўқотиб қўймоқ».

怎么 zěnmе нинг ўрнига 焉 yān қўлланган. 心焉如割 xīn yān rú gē– «юракни пичоқ билан кескандай»; 不入虎穴焉得虎子 bú rù hǔxué yān dé hǔzǐ – сўзма-сўз таржимаси: йўлбарснинг инига кирмай, йўлбарснинг боласини ушлаб бўлмас «тоққа чиқмасанг дўлана қайда, жон куйдирмасанг, жонона қайда»; 心不在焉 xīn bú zài yān – «кўнгли бир жойда эмас; хаёли паришон».

这 zhè нинг ўрнига 此 cǐ, 那 nà нинг ўрнига 彼 bǐ қўлланган. 此心耿耿 cǐ xīn gěng gěng – «кўнгил тинмайди; кўнгил қўймайди»; 人同此心 rén tóng cǐ xīn – «дили бир»; 心同此理 xīn tóng cǐ lǐ – «бир ёқадан бош чиқармоқ»; 不分彼此 bù fēn bǐ cǐ – «у билан бу фарқ қилмайди».

彼此彼此 bǐ cǐ bǐ cǐ – Бу фразеологизм хушмуомалалик қилиб, иккаласининг деярли бир хил эканлигини ифодалайди.

大家彼此彼此, 都是普通人, 没有什么区别 dàjiā bǐcǐ bǐcǐ, dōu shì pǔtōngrén, méiyǒu shénme qūbié – «Ҳамма деярли бир хил, ҳаммаси оддий одамлар, фарқи йўқ».(人民日报 rénmin rìbào 2016.)

Мустаҳкам семантик тузилиш 成语 chéngyǔларда сақланиб қолган бўлиб, оғзаки ва ёзма адабиётларни жозибали, таъсирчан фразеологизмлар билан безаб келмоқда.

白面书生 bái miàn shū shēng – сўзма-сўз таржимаси: оқ юзли китобхон; пишмаган ёш олим (ўқишга берилиб изланиш олиб бораётган ёшларга нисбатан айтилади).

空心萝卜 kōng xīn luó bo (空心老大 kōng xīn lǎo dà) – сўзма-сўз таржимаси: ичи бўш турп «бўш одам; фойдаси йўқ одам» деган маъноларни билдиради. Хитойликлар турпни жуда кўп истеъмол қиладиган миллат бўлганлиги учун фразеологизмларда ҳам акс этган.

А.А. Шинкоренко «Хитой тилидаги фразеологизмлар» мақоласида 文言 wényán ҳақида қуйидагича таъриф берган: «Чэньюи восходят к древнему устному народному творчеству, литературе и истории Китая. Например, многие из них отсылают к классическим произведениям из Веньяна (письменного китайского языка), к философским трактатам, художественной литературе, к мифам и легендам»³.

Таржимаси: «成语 chéngyǔ қадимги хитой халқ оғзаки ижоди, адабиёти ва хитой тарихига бориб тақалади. Масалан, уларнинг кўпчилиги 文言 wényán (хитой ёзма тили) даги мумтоз асарлар, фалсафий рисоалар, бадий адабиёт, афсона ва ривоятларга мурожаат қилинади» деб зикр этган бўлса, О.В. Чибисова, И.В. Каминская «Концепт «время» в русской и китайской лингвокультурах» деган мақоласида «Основной костяк чэньюев составляют выражения, оставшиеся от вэньяня 文言 wényán – древнекитайского

³ Шинкоренко А.А. Фразеология китайского языка. Сборник статей по материалам II всероссийской научной конференции с международным участием (Томского государственного университета 6–7 июня 2018 г.) – С.50.

письменного языка. Так как вэньян имеет очень мало общего с современным языком, понять смысл многих чэньюев путем осмысления составляющих иероглифов бывает весьма затруднительно»⁴. Таржимаси: «成语 chéngyǔ ларнинг асосий ўзаги қадимги хитой 文言 wényán ёзувидан олинган. 文言 wényán ҳозирги замон тили билан ўхшашлиги жуда ҳам кам бўлганлиги учун кўпгина 成语 chéngyǔларнинг маъносини иероглифлардан тушуниб олиш қийин», деб ёзганлар .

Ҳақиқатан, 文言 wényánда ёзилган матн ва фразеологизмларни ҳозирги кунда хитойлар ўқиб тушуниши қийин бўлиб қолганлиги сабабли хитойлик тилшунос мутахассислар 文言 wényánни ҳозирги замон хитой тилида изоҳлар билан тушунтиришга ҳаракат қилишади.

А.С. Холевонинг ёзишича: «кўпгина хитойча фразеологизмлар жуда узоқ вақтлар олдин пайдо бўлган ва ўз шакллари тўлиқ сақлаб қолган ҳолда бизгача етиб келган. Шунинг учун улар кўпинча вэньянга хос бўлган, замонавий тил учун ғайриоддий шакл бўлган лингвистик воситаларнинг архаик табиати билан ажралиб туради. 20-асрнинг бошларига қадар Хитойда ишлатилган классик ёзма тилдир». (Холево А.С. Эффективные способы изучения китайских фразеологизмов. - Минск, 2015).

Юқорида хитой тили фразеологизмлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирган хитойлик тилшунос олимлар ва хитой тили билан шуғулланувчи рус олимлари ҳам хитой тилидаги фразеологизмларнинг тарихи узун бўлиб, 文言 wényán тилида акс эттирилган фразеологизмлар ўзларининг шакллари ўзгартирмаган ҳолда ҳозирги кунга қадар қўлланилиб келаётганлигини тасдиқлайдилар.

Биз куйида 文言 wényánда ёзилган баъзи бир сўзларнинг ҳозирги кунда хан миллати кундалик сўзлашув тилда қўлламасликларини кўриб чиқамиз.

а) 保留了许多古代词 : жуда кўп қадимий сўзлар сақланиб қолган:

一些成语中的构成词,在现在代语中已不使用. Баъзи бир фразеологизмлар таркибидаги сўзлар, ҳозирги кунда қўлланмайди. Мисол: 不容置喙 bù róng zhì huì – «оғиз очтирмаслик; сиғдирмаслик» (喙 huì– 是嘴 shì zuǐ) 喙 huì олдинлари хитой тилида «оғиз» деган маънода бўлиб, ҳозирги кунда 喙 huì ни

⁴ Чибисова О.В., Каминская И.В. Концепт «время» в русской и китайской лингвокультурах. – Вестник Рязанского государственного университета им. С.А. Есенина, 2012. № 2. – С. 95–104.

«оғиз» деб берилса, тушунишмайди. Лекин ҳозирги кунда хитой тилидаги соматик фразеологизмларда учрайди.

百喙莫辩 bǎi huì mò biàn – «юз оғиз гапириб ҳам тушунтира олмаслик».

虎目豕喙 hǔ mù shǐ huì – йўлбарсинг кўзи, чўчқанинг оғзи; «оч кўз».

(豕 shǐ – 是猪 shì zhū) 文言 wényán тилида «чўчка» деган маънода қўлланилган, лекин ҳозир қўлланилмайди.

喙长三尺 huì cháng sān chǐ – оғзи бир метр; «гапга чечан; гапга уста».

移樽就教 yí zūn jiù jiào – «салом бериб сабоқ олмоқ» (樽 zūn – 是酒杯 shì jiǔ bēi) 樽 zūn «шароб стакани» деган маънода, ҳозирда бу сўз айна маънода ишлатилмайди.

二竖为虐 èr shù wéi nüè – «касал бўлмоқ» (竖 shù – 是小孩子 shì xiǎo hái zi) 竖 shù «кичик бола» деган маънода. 竖 shù ҳозир хитой тили ёзув чизигининг номи бўлиб, 竖 shù | «тик чизиқ» маъносида қўлланилади.

б) 一些词的意义有了改变 : Баъзи бир сўзларнинг маънолари ўзгариб кетган: Мисол: 空心汤圆 kōngxīn tāngyuán – сўзма-сўз таржимаси: курук гуручли овқат «курук ваъда»;

扬汤止沸 yáng tāng zhǐ fèi – сўзма-сўз таржимаси: қайнаётган қозонни шопириб тўхтатмоқ «масалани умуман ҳал қилмаслик»;

固若金汤 gù ruò jīn tāng – «мустаҳкам ҳимоя қилинган қалъа»;

赴汤蹈火 fù tāng dǎo huǒ – «хавф-хатардан кўрқмаслик».

这里“汤”不是今天菜汤的意思, 而是热水或开水 Бу фразеологизмлардаги «汤 tāng» бугунги кундаги «шўрва» деган маъносида эмас, балки «иссиқ сув» ёки «қайноқ сув» маъносида қўлланган.

Венъян тил ўлчовлари асосида ҳозиргача етиб келган юқоридаги фразеологизмлар халқнинг ментал мероси ҳисобланувчи фразеологизмлар тиллар такомиллашуви билан йўқолиб кетмаслигига исбот бўлади. Ёзув шакллари, давлатчилик турлари алмашиб борса-да, халқнинг онгида аждодлардан ўтиб келган ва чуқур илдизларига эга бўлган тафаккур тарзи, унинг жимжимадор безак воситалари ушбу халқнинг оғир-енгил кунларида барҳаётлигича яшайверади. Биз роман, ҳикоя, рўзномаларни ўқиётганимизда венъян тилидаги фразеологизмларни учратамиз ва уларнинг маъноларини тўлиқ тушунишда анча-мунча қийинчиликларга дуч келамиз, шунинг учун хитой тилини ўрганаётган ҳар бир талаба венъяндаги фразеологизмларнинг маъносини ўрганиши лозим.

Фразеологизмлар хитой миллатнинг тарихий бойлигини, маданий меросини, адабиётини, санъатини юзага чиқарувчи восита бўлиб ҳисобланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Чибисова О.В., Каминская И.В. Концепт «время» в русской и китайской лингвокультурах. – Вестник Рязанского государственного университета им. С.А. Есенина, 2012. № 2. – С. 95–104.
2. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullaev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
3. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullaev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
4. Халмурзаева, Н. Т. (2020). ТИПОЛОГИЯ ЯПОНСКОГО КОММУНИКАТИВНО-ДЕЛОВОГО ЭТИКЕТА. *Вестник науки и образования, (14-2 (92)).*
5. Хашимова, С. (2019). On some features of teaching foreign language for students of non-philological areas at the initial stage. *Евразийское Научное Объединение, (1-6), 334-338.*
6. Холево А.С. Эффективные способы изучения китайских фразеологизмов. - Минск, 2015.
7. Хасанова Ф.М. Хитой тили иероглификаси. Ўқув кўлланмаси. – Тошкент,
8. Шинкоренко А.А. Фразеология китайского языка. Сборник статей по материалам II всероссийской научной конференции с международным участием (Томского государственного университета 6–7 июня 2018 г.) – С.50.
9. Abbasi, S., & Mirzakhmedova, K. (2021). THE CULTURAL COMMONALITIES OF IRAN AND UZBEKISTAN (From the perspective of the Persian language and literature history). *Journal of Central Asian Social Studies, 2(01), 1-8.*
10. Abdullaevna, N. S. (2020). Lexical-semantic and cognitive specifics of political discourse (based on si jinning's speeches). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 1086-1092.*

11. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated non-significant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.
12. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
13. Khalmurzaeva, N. T. (2020). Peculiarities of intercultural understanding in Uzbek and japanese verbal communication. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1473-1481.
14. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.
15. Mirzakhmedova, K. V. (2021). Comparative Analysis of General Words-Terms In Persian and Uzbek Languages. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1050-1056.
16. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
17. Nasirova, S. A. (2020). CONCEPTS OF 中国梦想" CHINESE DREAM" AND 类命运共同" COMMUNITY OF THE ONE FATE OF HUMANITY"—A LINGUISTIC AREA. *Journal of Central Asian Social Studies*, 1(01), 05-14.
18. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
19. Omonov, Q. S. (2019). THE WAYS OF OFFICIALISATION OF THE DOCUMENTS AND THE PROBLEM OF LEGITIMIZATION OF THE TEXT. *Научные вестни*, (7), 43-51.
20. Омонов, К. Ш. (2019). Stereotype phrases and their place in providing formality to the text. *Молодой ученый*, (28), 259-261
21. 成语 概论 马国凡 内蒙古人民出版社 呼和浩特 1973年 第30页 2020. – Б.40.